



Зубайда ШАРОПОВА
катта ўқитувчи
Тошкент давлат аграр университети

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Мақолада хорижий тилларни ўрганишнинг психологик масалалари, хусусан таълим жараёнида талаба, ўқитувчининг вазифалари, шунингдек мазкур жараённинг рухий омиллар хусусида сўз юритилади

В статье речь идет о психологических вопросах изучения иностранного языка, в частности, о задачах, стоящих перед педагогами и студентами, а также психологических факторах данного процесса.

The article deals with the psychological issues of learning a foreign language, in particular the problems faced by teachers and students, as well as psychological factors of the process.

Калит сўзлар: хорижий тил, рухий омиллар, перфекционизм, эҳтиёж, инглиз тили, “тил тўсиғи”.

Ключевые слова: иностранный язык, психологические факторы, перфекционизм, потребность, английский язык, “языковая преграда”.

Keys words: Foreign language, psychological factors, perfectionism, the need, the English language, "language barriers".

Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири хорижий тилларни ўрганиш бўлиб, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам республикамизда таълим(1) соҳасидаги ислоҳотларнинг изчил давом этаётганидан далолат.

Умумтаълим мактабда чет тиллар умумий тарзда ўргатилса, масалан, кишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллежда бу фанни ўқитишда йўналишга

доир мавзулар ўргатилади. Мақсад эса ҳар бир талаба ўз касбига тегишли хорижий тиллардаги адабиётларни, интернет маълумотларни ўқиб, тушуниши, мулоқот қила олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш, хорижлик мутахассислар билан музокара юрита олишига қаратилган. Шу ўринда яна бир муҳим жиҳат эса, “Чет тилларни билишнинг умумевропа компетенциясининг ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш (CEFR) тизими”га асосланиб ўқувчи ва талабаларнинг билимини баҳолашда миллий хусусиятлардан келиб чиқиб белгилаш кўзда тутилмоқда. Унга кўра, Халқ таълими тизимида 1—5 синфлар А1, 6-9 синфлар эса А2 даражасини эгаллаши лозим. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида бу даража В1, бакалавр йўналишида эса В2 этиб белгиланган. Чет тилларни билишнинг кейинги даражаси С1 бўлиб, мазкур кўрсаткич олий таълим тизимининг магистратура йўналиши талабалари ва катта илмий изланувчилар учун жорий этилди(2).

Албатта ёшларнинг тил ўрганиш борасида муаммоси бўлмай, физиологик жиҳатидан уларда мазкур фаолият осонроқ кечади. Инсоннинг ёши ўтган сари хотирада хорижий сўзларни олиб қолиш қийинлашади. Шу билан биргаликда тил ўрганишда турли хил рухий омиллар муҳим аҳамият касб этади. Шулардан биринчиси “тил тўсиғи”ни енгиб ўтишдир. Аввало ҳар қандай ҳолатда мазкур тўсиқни енгиб ўтишга ишониш, яъни перфекционизм, шунингдек, ўз кучига ишонмаслик, депрессияга тушиш ва ҳоказолар халақит беради. Ҳўш, перфекционизм нима ва у қай тарзда тил ўрганишга тўсиқ бўлади? Мазкур тушунча француз тилидаги perfection — мукамалликка эришиш сўзидан муомалага кириб келган бўлиб, бундай инсонлар хато қилишга кўрқашади. Перфекционист биринчи уринишданок кўзлаган мақсадига эришиши зарур. Тил ўрганишда эса бундай бўлмайди. Тил- бу фаолиятдир. Уни ўрганиш учун вақт керак. Мазкур жараёнда эса албатта инсон хато қилади... жуда ҳам кўп хато...

Албатта тил ўрганишда ўқитувчининг тажрибасига ҳам жуда кўп нарса боғлиқ. Перфекционистга учраган ўқитувчи албатта унга нисбатан ўзига хос тил ўргатиш техникасини қўллаш лозим. Тажрибали ўқитувчи тилни ўрганаётган талаба уйга вазифани сўзлаб бераётганда уни тўхтатмайди, хатоларини тўғирламайди. Талаба ўзи хато қилаётганлигини тушиниб етиши лозим. Агарда талаба ўта ҳаяжонланиб, гапини йўқотса шқитувчи уни бир оз уни чалғитиб, кроссворд ечишга ундаш ёки тинчлантирувчи ўйин ўйнашга ундаш лозим.

Аксарият ҳолатларда тил ўрганаётган талаба ўзининг талаффузидан уялади. Ана шундай пайтлари ўқитувчи албатта уни тинлантириши, далда бериши лозим.

Инсон фақат биттагина тилни билса, фақат ундагина фикр юритаман, деб ўйлайди. Чунки она тилида фикрлаш биз учун табиийдир. Хорижий тилни ўрганишда фикр тилдан фарқли равишда мавжуд бўлишини тушуниб етамиз ва фикрларимиз сўзлар исканжасидан қутқарамиз ва унга ҳақиқий диалектик илмийликни бахшида етамиз:

1) ўз фикрларимизни чет тилида осонгина баён этишимиз учун тил воситалари ичида энг қулайларини топиш ҳамда уларнинг бир биридан фарқи ва ўхшаш томонларини билиш лозим. Масалан, “Менга ёқади” деган сўз рус тилида “Мне нравится” ёки “Я люблю”, инглиз тилида – I like ёки I enjoy, немис тилида – Esgefälltmir, итальянча – mi piace демақдир. Кўп ҳолатларда Европа тилларининг грамматикаси бир бирига ўхшашдир. Грамматик қурилишнинг бир бирига ўхшаши эса тилни ўрганишни осонлаштиради.

2) чет тилида гапириш ва уни таржима қилиш икки хил нарса. Чунки тилда хўр гапириш мумкин аммо таржимонлик қилиш қийин. Таржимон бўлиш, аммо гапирмаслик мумкин. Бу кўп ҳолатларда ёзма равишда таржимонлик билан шуғулланувчилар учун тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам биринчи босқичда асосий гап қурилишларини билиш лозим.

Тил ўрганишда мотивация, яъни ундаш муҳим роль ўйнайди. Америкалик психолог Абрахам Маслоунинг фикрига кўра, мотивациянинг иерархик моделини эҳром шаклида кўрсатиш мумкин. Булар:

- ўз фаолиятини фаоллаштириш;
- ўзини ҳурмат қилишга бўлган эҳтиёж;
- муҳаббат ва меҳрга бўлган эҳтиёж;
- хавфсизликка бўлган эҳтиёж;
- рағбатлантиришга бўлган эҳтиёж.

Маслоу инсонлар мазкур эҳром бўйича ҳаётлари давомида тепадан пастга ва пастдан тепага қараб ҳаракат қиладилар, деган фикрда. Энг юқори даражага жуда ҳам кам одам кўтарилади ва у ерда инсоннинг салоҳияти юқори даражада намоён бўлади. Яна бир эҳтиёж –бу муваффақиятдир. Аксарият ҳолатларда инсонлар муваффақият деб осонгина эришилган ғалабага айтилади. Аммо тил ўрганишдаги муваффақият маълум бир куч ва сабрни талаб қилади.

"Well begun is half done". Ушбу инглиз тилидаги мақоланинг маъноси шундаки, “яхши бошлаш- ишнинг ярмини амалга оширишдир”. Энг асосий тилни ўрганишда юқорида айтганимиздек ўқитувчининг тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлардаги бир нечта омилларни кўрсатиб ўтиш керак. Тил ўрганиш ўқувчи учун у нега, нима мақсадда чет тилини ўрганаётганлигини англашдан бошланади. Албатта

ўқувчида қизиқиш ҳам бўлиши лозим. Бу ўз навбатида тил ўрганишдаги ҳар қандай қийинчиликлардан кўркмай олға интилишда кўринади. Ҳар куни камида бир соатни тил ўрганишга бағишлаш лозим. Бу кўпчиликнинг қўлидан келмайди. Айнан шу ерда инсоннинг қизиқиши ёрдамга келади. Тил ўрганишга қизиқиш бўлмаса, одамда зеркиш, сўзларни қабул қилмаслик, тил грамматикасини тушунишни истамаслик ҳолатлари намоён бўлади. Одам тез чарчайди, боши оғрийдди. Хорижий тилларни ўрганишга шунингдек ижтимоий омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Хорижда ўқишни давом эттириш, тил орқали яхши ишга жойлашиш, юқори маош олиш шулардан биридир. Шунингдек, инсон яшаб турган жамиятида хорижий тилни ўрганишга нисбатан кўйиладиган талаб ҳам шулар жумласидандир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда тилни ўрганишга бўлган талабнинг ошиши бунга мисолдир. Чунки Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топиши аҳоли ўртасида тил ўрганишга эҳтиёжнинг ортиши билан белгиланмоқда. Чет элга сайёҳлар сонинг ортиши, хорижликлар билан ҳам ишбилармонлик, ҳам инсоний муносабатларнинг ўрнатилиши тил ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортишига олиб келмоқда. Шунингдек, хориж олийгоҳларининг ёшларга эшикларининг очилиши, хорижда тажриба ва малака ошириш имкониятининг мавжудлиги ҳам чет тилларни, айниқса инглиз тилини ўрганиш заруратини замон талаби сифатида илгари сурмоқда.

Тил ўрганишда ҳар бир инсонни бир савол, яъни уни қандай қилиб тез ва осон ўрганиш мумкин, деган савол қийнайди. Бугунги кунда тил ўрганиш учун имкониятлар жуда ҳам кўп. Турли хил ўқув курслари, хусусий репититорлар, мустақил ўрганиш учун аудио ва видеокурслар, интернетдаги махсус сайтлар ва ҳоказо.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг 80% аҳолиси айнан инглиз тилини ўрганишга интилмоқда. Бу эса мазкур тилнинг дунёдаги нуфузининг ортиб бораётганлигидан далолат беради. Иккинчи ўринда немис, учинчи ўринда француз тили туради. Инсоннинг тилни қай мақсадларда ишлатишидан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг мазмуни ва вазифалари турлича бўлади. Бу ишбилармонлар учун, техник ёки оддий, мулоқотга киришиш учун инглиз тили бўлиши мумкин.

Инсон қайси мақсадларда тил ўрганмасин тил ўргатиш методикаси доимо юқори, тушунарли ва осон ҳамда арзон бўлиши лозим. Хорижий тилларни ўрганишда инсоннинг интеллектуал ва маънавий юксаклиги муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур жиҳатлар ўрганиш жараёнини осонлаштиради, ўз олдига қўйилган мақсадга эришишда барча тўсиқларни енгиб ўтишга омил бўлиб хизмат қилади.

Ўқитувчининг таълимдаги ролига назар ташлайдиган бўлсак, ўқувчи билан ишлашдау мазкур жараёни узиб, ўртада ташлаб кетмаслигига бор кучини сарфлаши лозим. Бунинг учун педагог ўқувчига дўстона муҳитни яратиши, уни турли хил воситалар билан ўқишга рағбатлантириш керак.

Психологлар В.С. Ротенберг ва С. М. Бондаренколар таълим жараёнига нисбатан талабаларда рағбатни кучайтириш жараёнига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишар экан, қуйидаги хулосаларга келдилар:

- таълим, ҳар қандай меҳнат фаолияти сингари у турфа бўлган тақдирдагина қизиқарлидир. Бир хил ўқитиш услуби зеркиш ва берилаётган материални қабул қилмасликка олиб келади;

- таълимга нисбатан ўқувчида қизиқиш уйғотиш учун тил ўрганиш муҳимлиги ва мақсадга мувофиқлигини унинг онгига сингдириш лозим;

- талабанинг олдинги қизиқишлари билан ўрганаётган материалнинг боғлиқлиги ҳам мазкур материалга бўлган қизиқишини оширади;

- машғулотда янги маълумотлар билан ҳаддан ташқари кўп бериш талабанинг тез чарчаши ва янги билимларни қабул қила олмаслигига олиб келади;

- маълумотларнинг камлиги эса ўз навбатида “ахборий очликни” ва зеркишга олиб келади;

- жуда ҳам енгил материал ўқишга нисбатан қизиқишни сўндиради.

Таълим жараёнида натижалар қанчалик кўп баҳоланса талабага хорижий тилларни ўрганиш шунчалик қизиқ бўлади.

Берилаётган материалнинг ёрқинлиги, ўқитувчининг тилни яхши билиши, таълимга қизиқарли ёндашуви талабанинг фанга нисбатан муносабатнинг ўзгаришига олиб келади.

Хорижий тилларни ўрганишда ўқитувчи талабага тил ўрганишнинг ижобий томонлари ҳамда мазкур олинган билим орқали ҳаётида эришиши мумкин бўлган ютуқларни англашга турли хил интерактив ўйинлар орқали сингдирса, таълим жараёни анча муваффақиятли кечиши исботланган.

Албатта хорижий тилларни ўрганишда эҳтиёж муҳим аҳамият касб этади. Ўз эҳтиёжларини қондириш учун инсон мақсадига эришиш ва амалий вазифаларни ҳал этиш учун ҳаракат қилади. Тил ўрганиш бугунги кунда ҳар бир инсоннинг камолга етишиши учун асосий эҳтиёжларидан бирига айланган. Ҳар бир инсон ўз фаолиятини кенгайтириши, янги дўстлар орттириши, ишда юқори лавозимларига кўтарилиши учун бугунги кунда яхши билим, тажриба, интеллектуал салоҳият билан биргаликда хорижий тиллардан бири, хусусан инглиз тилини билиши муҳимдир. Жаҳонда энг кўп тарқалган

тиллардан бирига айланган инглиз тили ёшлар олдида кўпгина эшикларни очиб беради.

Хорижий тилларни ўрганиш болалик чоғиданоқ бошланса мазкур жараён анча осон кечади. Балоғатга етишиш давомида уни такомиллаштириб бориш инсоннинг ақлий салоҳиятининг ўсишига ҳисса қўшади. Тил ўрганиш жараёнида унинг психологик жиҳатларига аҳамият бериш зарур. Бу ҳам тил ўрганувчи ҳамда педагогдан талаб қилинадиган жиҳатдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 10.12. 2012 йил декабрда қабул қилинган // <http://www.lex.uz>
2. Асроров У. Чет тилларни ўрганиш — замон талаби// <http://turkistonpress.uz/article/345>
3. Осминин А. Перфекционист — человек, стремящийся к совершенству. Кто он?// <http://www.timesaver.ru/articles/a1694.php>
4. Ротенберг В. С, Бондаренко С. М. Функциональная асимметрия полушарий мозга, типы мышления и обучение // Мозг. Обучение. Здоровье: Книга для учителя. – М.: Просвещение, 1989.